Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

1993 йил 22 май, шанба

№ 94. (21.445).

Нархи: 5 сўм

• Ўзбекистон—Ҳиндистон •

ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОШ ВАЗИРИ П. В. НАРАСИМХА РАО ЖАНОБЛАРИ

Илгари хабар қилинганидек, 23 май куни Ҳиндистон Республикаси Бош вазири П. В. Нарасимха Рао жанобларининг Ўзбекистонга расмий дўстона ташрифи бошланади. Унинг қисқача таржимаи ҳолини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

П. В. Нарасимха Рао жаноблари 1921 йил 28 июнда Андхра Прадеш штатида Каримнагар шаҳрида таваллуд топди. Ҳайдарободдаги Усмония университетида, Бомбай ва Нагпур университетларида таҳсил кўрди. Фан бакалаври ва ҳуқуқ бакалаври даражасига сазовор бўлган.



Андхра Прадеш штатининг ўттиз йилдан кўпроқ вақт турли лавозимларда ишлагандан кейин 1977 йил мартида Ҳиндистон парламентига сайланди, сўнг 1980, 1984 ва 1989 йилларда мазкур қонун чиқарувчи органга қайтадан сайланди.

1957—1977 йилларда Андхра Прадеш қонун чиқарувчи ассамблеясининг аъзоси, 1962—1971 йилларда шу штат ҳукуматининг вазири бўлди. 1971—1973 йилларда штатнинг бош вазири лавозимида ишлади.

1974 — 1976 йиллар — умумҳиндистон конгресси комитетининг бош котиби. 1980 йил январдан 1989 йил декабргача Ҳиндистон Республикасининг ҳукуматида ишлади — турли йилларда ташқи ишлар вазири, Ички ишлар вазири, мудофаа вазири, инсон ресурсларини ривожлантириш вазири лавозимларини эгаллади, соғлиқни сақлаш вазири ҳам бўлди.

Нарасимха Рао жаноблари 1982 йилда қўшилмаган мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг учрашувларига раислик қилди. 1983 йил ноябрида Ғарбий Осиё мамлакатларига борган қўшилмаслик ҳаракати махсус гуруҳига раҳбарлик қилди. Ташқи ишлар вазири лавозимида бўлган вақтида Рао жаноблари бир неча халқаро қўшма комиссияларга Ҳиндистон номидан бошчилик қилди.

1991 йилнинг майида Ражив Ганди жаноблари фожиали ҳалок бўлганидан кейин Нарасимха Рао жаноблари Ҳиндистон миллий конгрессининг раиси этиб сайланди ва айни вақтда мамлакат Бош вазири бўлди.

Рао жаноблари шоир ва тилшунос сифатида танилган, Ҳиндистон фалсафасига, бадиий адабиётга ва компьютерларга оид адабиётга қизиқади.

Уч ўғли ва беш қизи бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот шўъбаси.

ДЕҲҚОН ИРОДАСИ БУКИЛМАЙДИ

Наманганда кейинги кунларда дала меҳнаткашларига қийин бўлди. Бу ерда устма уст ёққан ёмғир жалага айланди. Кечалари ҳаво қаттиқ совиди. Уйчи, Учқўрғон, Норин, Чортоқ туманлари деҳқонлари табиий офатдан жиддий зарар кўрдилар. Бир неча минг гектар ердаги ғўзани қаттиқ қатқалоқ босганди. Кўп майдонлардаги экин дўлдан шикаст топди. Жойлардаги ҳокимликлар, хўжалик раҳбарлари, миришкор деҳқонлар тадбиркорлик билан иш ташкил қилдилар.

Уйчи туманидаги «Ғайрат» жамоа хўжалигида табиий офат қаттиқ бўлди. Бир қатор хонадонлар ҳам зарар кўрдилар. Ҳовлиларда кўпчилик уйларнинг поли ва ертўласида сув тўлиб қолди. Ана шундай манзарани Учқўрғондаги ва Чортоқдаги кўплаб хўжаликларда ҳам кўриш мумкин.

Вилоятдаги ана шундай ҳолат республика раҳбарларини бефарқ қолдирмади. Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков бошчилигидаги бир қатор вазирликлар, идоралар раҳбарлари, мутахассислар Наманганга келишди. Улар табиий офат юз берган районлардаги аҳвол билан яқиндан танишдилар.

Вилоят ҳокимлигида И. Ҳ. Жўрабеков раислигида йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда республика пахтачилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Ш. И. Иброҳимов, республика мелиорация ва сув хўжалиги вазири Р. А. Гиниятулин, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмирлаш» комитети раиси Р. Ҳ. Ҳусанов ва бошқалар сўзга чиқдилар. Йиғилишда табиий офат оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ бўлган долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев оғир пайтда кўрсатилаётган амалий ёрдам учун республика Президенти ва ҳукуматига миннатдорчилик билдирди. У шуни таъкидладики, наманганликлар тез вақт ичида офат оқибатларини бартараф этадилар.

Ҳозир табиий офат юз берган барча туманларда деҳқонларимиз ғайрат-шижоат кўрсатиб табиий офат оқибатларини тугатмоқдалар.

Фарҳод ИУЛЧИЕВ.

• Шу кунларнинг қаҳрамонлари •



Айни пайтда республикамиз далаларида ҳосил учун кураш авжида. Зеро, кетма-кет бўлаётган табиий офатлар қишлоқ хўжалик экинларига катта зарар етказмоқда. Қатқалоқ ғўзага, маккажўхорига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мана шундай шароитда экинларни яхши парваришлаш учун ҳақиқий фидойилар, қаҳрамонлар керак. Бундай кишилар мамлакатимизда талайгина.

Арнасой районидаги 14-давлат хўжалиги миришкорлари ана шундай фидокорлардан. Масалан, Ф. Усмонқулов бошлиқ бўлим деҳқонлари мавжуд 456 гектар майдондан 25,7 центнердан ҳосил олишга бел боғлашган. Моҳир механизатор Турсунбой Худойбердиев эса ғўзаларга ишлов беришда кўпчиликка ибрат бўлаётир. Рустам Рўзиқулов эса бўлимнинг 33 гектар майдонига экилган маккажўхоризорга ишлов беради. Бўлим ишчилари ҳар гектар майдондан 40 центнердан ҳосил олишни кўзламоқдалар.

СУРАТЛАРДА: Турсунбой Худойбердиев (чапда) . ва Рустам Рўзиқулов.

Н. АЛМУРОДОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъатининг 1993 йил 19 май куни бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Республикасида Футболни ривожлантириш жамғармасининг низоми рўйхатга олинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1993 йил 12 мартда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмаларининг низомларини рўйхатга олишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ҳамда Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш жамиятлари қайта рўйхатдан ўтдилар.

ДЎСТЛИГИМИЗ АБАДИЙ

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг халқаро миқёсдаги обрўси ой сайин ошиб бормоқда. Бир қатор мамлакатлар билан ўрнатилган яхши дўстлик алоқалари мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида ижобий самаралар бермоқда. Бундай алоқалар маржонида қўшни Ҳиндистон Республикаси муносиб ўрин эгаллайди. Махсус мухбиримиз Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Далип МЕХТА жаноблари билан суҳбатлашди.

— Далип Мехта жаноблари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ҳиндистон мамлакатига қилган сафари икки давлат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат этиши билан бирга ҳозирги иқтисодий ва маданий ҳамкорликнинг кулоч ёзишида муҳим қадам бўлди. Шундай эмасми?

— Ҳиндистон Республикаси ҳукумати ва бутун ҳинд халқи Президент Ислом Каримов жанобларининг 1991 йил август ойида мамлакатимизга қилган биринчи расмий сафарини яхши эслайдилар. Ҳурматли меҳмон ўзининг раҳбарлик фаолиятида чет элларга қиладиган дастлабки сафарини бизнинг мамлакатимиздан бошлади. Унда дўстлик ва ҳамкорлик ҳақида қатор ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон раҳбари ўшанда Деҳлининг диққатга сазовор жойларини зиёрат этиш билан бирга Аградаги Тожимаҳални бориб кўрди. Бу ёдгорлик ўзбек ва ҳинд халқлари азалий дўстлигининг ёркин тимсолидир. Сизнинг улуғ бобонгиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур авлодлари қурдирган бу ноёб кошона инсон тафаккурининг бебаҳо мевасидир.

Икки мамлакат дўстлиги алоқаларида яна бир ёркин саҳифа очилиши кутилмоқда. Ҳиндистон бош вазири Нарасимха Рао Марказий Осиё давлатларига қиладиган сафарини Ўзбекистон диёридан бошлаши ҳам азалий дўстлигимиз шарофатига бўлган ҳурмат белгисидир. Мамлакатимиз ҳукумати раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, шунингдек республиканинг бошқа раҳбарлари билан учрашиб музокаралар олиб бориши кутилмоқда. Бу учрашувларда янги шартномалар имзоланиши мўлжалланган. Улар фан ва техника, ҳаво йўллари қатнови, туризм сингари соҳаларни қамраб олади.

— Кейинги пайтларда икки ўртада қандай борди-келди алоқалар бўлиб ўтмоқда?

— Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раиси Ш. М. Йўлдошев бошчилигидаги парламент, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расулов бошчилигидаги делегациялар диёримизда меҳмон бўлдилар. Улар Ҳиндистон раҳбарлари билан ўтказган учрашувларида фойдали фикрлар айтишди. Ҳиндистон Миллий Конгресс партияси ва Ўзбекистон Халқ Демократик партияси ўртасидаги дўстлик алоқалари ҳам аҳамиятлидир. Айни чоғда Ҳиндистон Ташқи ишлар вазири Бхатия, савдо вазири Салмон Хуршид ҳам Ўзбекистонда бўлишди. Дўстлигимиз сарчашмалари узоқ даврларга бориб тақалади. Абу Райҳон Беруний «Ҳиндистон тарихи» деган ноёб асарини ёзиб қолдирган бўлса, Бобур ва Амир Темур каби буюкларнинг хизмати бебаҳо бўлган. Амир Хусрав Деҳлавий каби даҳолар билан бўлган алоқалар дўстлигимиз буюклигидан далолат беради. Ишончим комилки, бу алоқалар янада ривожланиб, гуллаб-яшнаб бораверади.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

Истиқлол мафкураси: таклифлар, мулоҳазалар

МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР МАЖМУИ

ОЛДИМИЗДА ТУРГАН ЭНГ МУҲИМ МАСАЛА, БУ — МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИНИ ЯРАТИШ ВА ҲАЁТИМИЗГА ТАТБИҚ ЭТИШДИР.

И. КАРИМОВ.

Мана, салкам икки йилдирким, ҳур Ўзбекистон диёрида истиқлол шамоли эсмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ ижтимоий ҳаётнинг деярли барча жабҳаларида мустақиллик шарофатила илдам одимлар қўйилаяпти. Бу айниқса сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларда намоён бўлаётир. Салкам бир ярим асрлик сиёсий кишанбандликдан тинч йўл билан озод бўлган Ўзбекистонимизнинг овози жаҳон бўйлаб баралла янграмоқда. Бу — биринчидан, **сиёсий мустақиллик** бўлиб, ички ва ташқи сиёсатда ҳеч кимнинг, собиқ «катта оға»нинг ҳам кўрсатмаларисиз, ўзбекистонча ўз миллий истиқлол ва янгиланиш йўлимиздан буюк келажак сари бориш демакдир. Бу — иккинчидан, **иқтисодий мустақиллик** бўлиб, юртимизнинг ўз бебаҳо бойлиги эҳсонларига чинакам эгалик ҳуқуқини қўлга киритиб, ўзбек халқи фаровонлиги йўлида фойдаланиш демакдир. Бу — учинчидан, **маънавий мустақиллик** бўлиб халқимизнинг истиқлолга, озодликка, ўз давлатига эгалик қилиш, адолатли жамият қуришга бўлган асрий орзу-умидларининг рўёбга чиқишидир. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзбек халқи сиёсий ва иқтисодий қарамликка тушган даврларда ҳам, у ҳеч қачон маънавият соҳасида ўз мафкурасини йўқотган эмас. Ҳар қандай тазйиқларга қарамасдан «марксизм-ленинизм» нишонлари ва панжараси ортидан ҳам маънавиятимиз куртаклари доимо барқ уриб турди. Аммо чуқур илдизларига эга бўлган бу миллий маънавият сарчашмаларимиз халқимизнинг кўп асл фарзандларини қурбон қилишлар эвазига сақланиб қолди.

Сиёсий тутқинлик асоратлари натижаси ўлароқ биз Ватанга бўлган ҳурмат, ўзбек миллий давлатчилигидан фахрланиш, фуқаролик ҳис-туйғуларидан маҳрум бўлдик. Бунинг ўрнига боқимандалик, ҳамма нарсани давлатдан кутишдек: «бер-санг ейман, бермасанг ўламан», деган руҳиятни, кайфиятни орттирдик.

Сиёсатда «акасининг қўлидан ушлаб юришга ўрганган бола» сингари бирор мустақил ҳаракат қилолмаган, қоғоздаги сталинча-брежневча Конституциялардаги «суверен давлат», «тенг иттифоқдош республикалар иттифоқининг тенг ҳуқуқли аъзоси» бўлмиш Ўзбекистон «энг илғор» марксизм-ленинизм мафкураси тошлари билан кўмилди. Аммо, зарпечак сингари ўткинчи ўсимликни чуқур ва теран илдизларга эга бўлган чинорсифат дарахтга пайванд қилиб бўлмаганидек, жаҳон пролетариати даҳоларининг таълимоти бизнинг маънавий маконимизда ниш уролмади. Афсусларким, фақат ўзининг салбий таъсирини ўтказиб, асоратларини қолдирди, холос. Шунинг учун ҳам сароб бўлиб чиққан бу даҳрийча таълимот устунлари қулади. Шунинг учун ҳам янги миллий истиқлол мафкурасини яратиш зарурати туғилди. Чунки, ғоявий соҳада бўшлиқ бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай жамиятнинг, давлатнинг ўз мафкураси бўлмоғи лозим. Мафкурасиз жамият бўлади, деганлар хато қиладилар. Расмий мафкурадан ташқари доимо халқ фалсафаси, мафкураси мавжуд бўлади. Натижада, муқаррар зарурат туғилди: мустақил Ўзбекистон маънавий соҳада ҳам худди сиёсий ва иқтисодий жабҳаларда бўлганидек ўз мустақил йўлидан бормоғи лозим. Бунинг учун, Президентимиз таъкидлаганидек, **«халқимизнинг маънавий пойдевори — бўлажак давлатимизнинг таянчлари жуда қадимий ва мустаҳкам», «маънавий пойдеворимиз етарлидир»**. Биз учун ҳозир **ватанпарварлик мафкураси** сув билан ҳаводек зарур. Бу — бизнинг маънавий мустақиллигимизнинг пировард натижасидир.

Бобокалонларимиз анъаналарини давом эттирган ҳолда, юртбошимиз бир гуруҳ атоқли ёзувчилар билан учрашиб, **«Миллий истиқлол мафкурасининг асоси, хусусиятлари борми, йўқми?, «Ким бу дастурларламаларни ишлаб чиқиши керак?»**, деган саволни ўртага ташлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мана шу долзарб саволларга, муаммоларга жавоб бериш учун саъйи-ҳаракатларини бошлаб юборди. Ушбу мақола ҳам шу борадаги биринчи уринишлардан, холос. Биз ватанпарварлик мафкурасининг айрим чизгиларини ифодалаш ниятидамиз.

Бизнингча, ватанпарварлик мафкурасининг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, мустақиллик ҳис-туйғуси ва уни тўла идрок этиш;

иккинчидан, ўзбек миллий мафкураси;

учинчидан, кўп миллатли Ўзбекистон халқининг ватанпарварлиги.

(Давоми учинчи бетда).

МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ

SAMANDAR

МУҲТАРАМ БОШ ВАЗИР ЖАНОБЛАРИ!

«Самандар» Ўзбекистон — Ҳиндистон корхонаси мустақил Ўзбекистонга ташрифингиз муносабати билан Сизни мубораклаб этади.

Кўҳна ҳинд халқи маданияти, унинг бетакрор ва беқиёс санъатини, хусусан, Ҳиндистон кинематографияси ва унинг намояндалари ижодини нафақат Ўзбекистон ҳудудида, балки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг барча мамлакатларида тарғиб этиб келаётган, шу мақсадда «Фильм,з» ойномасини чоп этиб, миллионлаб кино мухлисларига тақдим этаётган корхонамиз, ўзининг эзгу ниятларини амалга ошириш учун фаолият доирасини тобора кенгайтириб бормоқда. Турли тақвимлар чоп этиш, янги ҳинд кинофильмларини харид қилиб, уларни таржима қилиш, нусхасини кўпайтириш ва томошабинлар эътиборига ҳавола этишдан ташқари жамоамиз ҳиндистонлик доимий ҳамкорлари билан баҳамжиҳат тижорат ишларини ҳам йўлга қўйиб бормоқда.

Сизнинг ташрифингиз мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаб, халқларимиз ўртасидаги муносабатларни янада яхшилайди ва бу хусусан бизнинг корхонамиз равнақи учун ҳам хизмат қилади деган умиддамиз.

Сервиқор ва меҳмондўст заминимизга хуш келибсиз!

Мухтабархоним ҚАРИМОВА,
«Самандар» Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма корхонаси бош директори, «Фильм'з» ойномаси бош муҳаррири.

ҲУРМАТЛИ ЖАНОБ НАРАСИМХА РАО!

ЎЗБЕКИСТОН ДИЁРИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ !

УШБУ ТАШРИФ ИККИ МАМЛАКАТ ВА ИККИ ХАЛҚ ЎРТАСИДАГИ БИРОДАРЛИК ВА ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАЙДИ ДЕБ УМИД ҚИЛАМИЗ.

Gangadharam Appliances Limited фирмасининг Тошкентдаги бош вакили Ш. Рамалингам

Долзарб вазифалар масъулияти

Бухоро, 21 май («Ўзбекистон овози» мухбиридан телефон орқали олинди).

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент вилоятларидан кейин Бухорода фаоллар билан семинар-кенгаш ўтказди. Бундай йиғинлардан мақсад шаклланиш, ўсиб-ўлғайиш жараёнларини бошдан кечираётган янги партия фаолларига амалий ишда ёрдам кўрсатиш, уларни Марказий Кенгаш ҳаётга татбиқ этаётган сиёсатнинг шу кунги долзарб вазифаларига йўналтиришдир.

Семинарга вилоят, шаҳар, туман кенгашлари ижроия бюролари аъзолари, партия ходимлари, бошланғич ташкилотлар котиблари, жамоат ташкилотлари вакиллари таклиф қилиндилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши иккинчи котиби М. Қирғизбоев партия фаолиятининг шу кунги долзарб вазифалари тўғрисида маъруза қилди.

— Жамият мураккаб ўтиш босқичини бошдан кечираётган ҳозирги шароитда, — деб таъкидлади нотиқ, — мафкуравий иш фаолиятимизнинг устивор йўналишига айланмоғи лозим. Мамлакатимиз Президенти, партиямиз раиси И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласи, Олий Кенгаш кейинги сессияларидаги нутқлари бу муҳим ишда партия ташкилотлари учун дастуруламал бўлмоқда.

Маърузачи жаҳондаги йирик мамлакатларнинг демократик йўналишдаги партиялари тажрибаси асосида мафкуравий ва сайловолди ишларини олиб бориш хусусиятларини таҳлил қилиб берди, парламент фаолиятини, кадрлар сиёсатини амалга оширишда аҳоли турли табақалари ўртасида иш олиб бориш шаклларига, шунингдек, илмий истиқлол мафкурасини яратиш соҳасида партия олиб бориши лозим бўлган йўналишлар тўғрисида батафсил тўхталди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жаҳон муаммолари институтининг бўлим мудири, фалсафа фанлари доктори А. Жалолов ўз маърузасида улғайиш машаққатларини бошдан кечирган партиянинг қандай қилиб етакчи сиёсий кучга айлангани, ҳозирги пайтда мафкуравий ишнинг қандай шакл ва услубларидан фойдаланаётганини таҳлил қилиб берди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари И. Ҳ. Нарзиев вилоятдаги ижтимоий-сиёсий аҳволни таҳлил қилиб, бу соҳадаги муаммоларни бартараф қилишда сиёсий партиялар ва ҳаракатлар ҳамкорлиги заруратини мисоллар асосида очиб берди.

Шунингдек, кенгашда Марказий Кенгаш ташкилий низомий ишлар шўъбаси мудири М. О. Хадаев «Партия сафларини кенгайтириш ва унинг сифатини яхшилаш устида ишлаш», кенгаш хотин-қизлар билан иш олиб бориш шўъбаси мудираси Т. К. Норбоева «Бошланғич партия ташкилотларининг хотин-қизлар қўмиталари билан ҳамкорликдаги фаолияти ва шу соҳадаги вазифалари» мавзуларида маърузалар қилишди.

Кенгаш ишида вилоят ҳокими Д. С. Ёдгоров иштирок қилди.

Нусратилла НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун ишлаб чиқариш усуллари, мулк шаклидан қатъий назар, меҳнатни муҳофаза қилишни ташкил этишнинг ягона тартибини белгилайди ҳамда фуқароларнинг соғлиғи ва меҳнати муҳофаза қилинишини таъминлашга қаратилган.

I БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Фуқароларнинг меҳнатни муҳофаза қилинишига бўлган ҳуқуқлари

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар меҳнатни муҳофаза қилиниши ҳуқуқига эгадирлар.

2-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш

Меҳнатни муҳофаза қилиш — бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

3-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ва қонуннинг қўлланиш соҳаси

Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар ушбу Қонун ва унга мувофиқ чиқариладиган бошқа меъёрий ҳужжатлардан иборат бўлади.

Ушбу Қонун мулк ва хўжалик юритиш шакли турлича бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар* билан, шу жумладан айрим ёлловчилар билан меҳнат муносабатларида турган барча ишловчилар; кооперативларнинг аъзолари, ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ўқув юртлари, ҳунартехника билим юртлари ва умумий таълим мактабларининг ўқувчилари; корхоналарда ишлашга жалб этиладиган ҳарбий хизматчилар; муқобил хизматни ўтаётган фуқаролар; суд ҳукми билан жазони ўтаётган шахслар, ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасалари корхоналарида ёки ҳукмлар ижросини амалга оширувчи идоралар белгилайдиган корхоналарда ишлаш даврида, шунингдек жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб ташкил этиладиган бошқа турдаги меҳнат фаолияти иштирокчиларига нисбатан амал қилади.

4-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати:

корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи устиворлиги;

меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириб бориш;

мулк ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар, барча корхоналар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ягона тартиб-қоидалар белгилаб қўйиш;

меҳнатнинг экология жиҳатидан хавфсиз шароитлари яратилишини ва иш жойларида атроф-муҳит ҳолати мунтазам назорат этилишини таъминлаш;

корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари ҳамма жойда бажарилишини назорат қилиш;

меҳнатни муҳофаза қилишни маблағ билан таъминлашда давлатнинг иштирок этиши;

олий ва ўрта махсус ўқув юртларида меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар тайёрлаш;

хавфсиз техника, технологиялар ва ходимларни ҳимоялаш воситалари ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини рағбатлантириш;

фан, техника ютуқларидан ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ватанимиз ва чет эл илғор тажрибасидан кенг фойдаланиш;

ишловчиларни махсус кийим ва пойафзал, шахсий ҳимоя воситалари, парҳез овқатлари билан бепул таъминлаш;

корхоналарда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шарт-шароитларини яратишга кўмаклашувчи солиқ сиёсатини юритиш;

ишлаб чиқаришдаги ҳар бир бахтсиз ҳодисани ва ҳар бир касб касаллигини текшириб чиқиш ҳамда ҳисобга олиб боришнинг ва шу асосда ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ҳамда касб касалликларига чалинишлар даражаси ҳақида аҳолини хабардор қилишнинг мажбурийлиги;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан жабрланган ёки касб касаллигига йўliққан ишловчиларнинг манфаатларини ижтимоий ҳимоялаш;

касаба уюшмалари ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар ва алоҳида шахсларнинг меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

меҳнатни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этиш чоғида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш принципларига асосланади.

5-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқариш

Меҳнатни муҳофаза қилишни давлат томонидан бошқаришни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади.

6-модда. Жамоат бирлашмаларининг меҳнатни муҳофаза қилиш муаммоларига оид қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда иштирок этиши

Корхоналар, мутахассислар, фуқаролар меҳнатни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этиш учун Ўзбекистон Республикасининг жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунига мувофиқ амал қиладиган жамоат бирлашмаларига уюшишлари мумкин.

II БЎЛИМ. МЕҲНАТНИНГ МУҲОФАЗА ҚИЛИНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ

8-модда. Меҳнат муҳофазасини меъёрий таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда меҳнатни, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг илмий асосланган стандартлари, қоида ва меъёрларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш йўли билан ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган талаблар даражасини белгилайди, шунингдек касаба уюшмалари билан келишилган ҳолда меҳнат шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар, касб касалликларининг олдини олишга оид республиканинг аниқ мақсадга қаратилган дастурларини ишлаб чиқади ва молиявий таъминлайди ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади.

Вазирликлар ва идоралар тегишли касаба уюшмаси идоралари билан келишилган ҳолда меҳнат шароитларини яхшилашга оид тармоқ дастурларини ишлаб чиқадилар ва молиявий таъминлайдилар.

Корхона маъмурияти, ёлловчи, мулкдор ёхуд улар ваколат берган бошқарув идораси* корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрларининг талаблари, шунингдек жамоа шартномасида кўзда тутилган мажбуриятлар бажарилишини таъминлайди.

Корхоналарнинг ишловчилари республиканинг тегишли қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари, жамоа шартномалари билан белгиланган меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрлари талабларига риоя этишлари шарт.

9-модда. Корхоналар ва объектларни лойиҳалаб, қуриш ва ишлатишда, ишлаб чиқариш воситаларини тайёрлаш ва таъмирлашда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш

Стандартлар, экономика, меҳнатни муҳофаза қилишга доир қоидалар ва меъёрлар талабларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ҳамда қайта қуриш, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш, таъмирлаш, технологияларни жорий этишга, шу жумладан хориждан сотиб олинганларини жорий этишга йўл қўйилмайди.

Ҳеч бир янги ёки қайта қурилаётган корхона, ишлаб чиқариш воситалари, агар улар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда берилиадиган хавфсизлик шаҳодатномасига эга бўлмаса, фойдаланишга қабул қилиниши ва ишга туширилиши мумкин эмас.

Белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган корхоналар Ўзбекистон Республикасининг тегишли назорат идоралари берадиган фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини таъминловчи рухсатномани олдиндан тақдим этишлари шарт. Корхонанинг кўрсатилган рухсатномани олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Меҳнат хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган ва ишловчилар соғлиғи ҳамда ҳаётига хавф туғдирувчи корхоналар фаолияти ёки ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш, улар меҳнат хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтирилгунга қадар, Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ваколатли идоралар томонидан тўхтатиб қўйилиши керак.

Давлат ва хўжалик бошқаруви идоралари, назорат қилиш идоралари, шунингдек корхоналар бу бирлашмаларга ҳар томонлама ёрдам ва мадад кўрсатадилар ҳамда меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлаш масалалари бўйича қарорлар тайёрлаш ва қабул қилишда улар ишлаб чиққан низомлар ва тавсияларни ҳисобга оладилар.

7-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишга оид халқаро шартномалар

Ўзбекистон Республикаси корхоналари ва фуқаролари халқаро шартномалар ва битимлар асосида ишларни бажараётганларида, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича уларда кўзда тутилган талаблар агар ўзгача шартлашилмаган бўлса, ушбу қонунга Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонунларига мувофиқ қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси корхоналарида ишлаётган чет эл фуқаролари учун меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига доир муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари манфаатдор томонларнинг ўзаро битимлари билан белгилаб қўйилади.

8-модда. Меҳнат муҳофазасини меъёрий таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда меҳнатни, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг илмий асосланган стандартлари, қоида ва меъёрларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш йўли билан ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган талаблар даражасини белгилайди, шунингдек касаба уюшмалари билан келишилган ҳолда меҳнат шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар, касб касалликларининг олдини олишга оид республиканинг аниқ мақсадга қаратилган дастурларини ишлаб чиқади ва молиявий таъминлайди ҳамда уларнинг бажарилишини назорат қилади.

Вазирликлар ва идоралар тегишли касаба уюшмаси идоралари билан келишилган ҳолда меҳнат шароитларини яхшилашга оид тармоқ дастурларини ишлаб чиқадилар ва молиявий таъминлайдилар.

Корхона маъмурияти, ёлловчи, мулкдор ёхуд улар ваколат берган бошқарув идораси* корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрларининг талаблари, шунингдек жамоа шартномасида кўзда тутилган мажбуриятлар бажарилишини таъминлайди.

Корхоналарнинг ишловчилари республиканинг тегишли қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари, жамоа шартномалари билан белгиланган меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрлари талабларига риоя этишлари шарт.

9-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишга оид халқаро шартномалар

Ўзбекистон Республикаси корхоналари ва фуқаролари халқаро шартномалар ва битимлар асосида ишларни бажараётганларида, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича уларда кўзда тутилган талаблар агар ўзгача шартлашилмаган бўлса, ушбу қонунга Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонунларига мувофиқ қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси корхоналарида ишлаётган чет эл фуқаролари учун меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига доир муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари манфаатдор томонларнинг ўзаро битимлари билан белгилаб қўйилади.

10-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар тайёрлаш

Ўзбекистон Республикасида давлат ва корхоналар олий ва ўрта махсус ўқув юртларида корхоналарнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларида ишлаш учун мутахассислар тайёрлашни таъминлайдилар.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари халқ хўжалиги турли тармоқларидаги ишлаб чиқариш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда талабалар ва ўқувчилар меҳнатни муҳофаза қилиш курсини албатта ўтишларини ташкил этишлари керак.

Вазирликлар, идоралар, концернлар, ассоциациялар ва бошқа хўжалик органлари идоралари меҳнатни муҳофаза қилиш тизимида ишлаш учун мутахассисларнинг қайта ихтисослашувини таъминлайдилар.

11-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишни молиявий таъминлаш

Меҳнатни муҳофаза қилишни молиявий таъминлаш давлат томонидан, шунингдек мулк шаклидан қатъи назар, жамоат бирлашмалари, корхоналарнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобига амалга оширилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш учун тегишли бюджетлардан алоҳида қайд билан ажратиладиган бюджет маблағлари (республика ва маҳаллий) бошқарув ҳамда назорат идораларини сақлаш, илмий-тадқиқот ишларини молиявий таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилишга оид давлатнинг аниқ мақсадга қаратилган дастурларини бажариш учун фойдаланилади.

Ҳар бир корхона меҳнатни муҳофаза қилиш учун зарур маблағларни жамоа шартномасида белгиланадиган миқдорда ажратади. Корхоналарнинг ходимлари ана шу мақсадлар учун қандайдир қўшимча чиқим қилмайдилар.

Корхоналар ўзининг хўжалик, тижорат, ташқи иқтисодий ва бошқа фаолиятидан келадиган фойда (даромад), шунингдек бошқа манбалар ҳисобига меҳнатни муҳофаза қилишнинг марказлаштирилган фондларини ташкил этиш ҳуқуқига эга. Меҳнатни муҳофаза қилиш фондига қаратиладиган фойдага солиқ солинмайди.

Меҳнатни муҳофаза қилишга мўлжалланган маблағларни бошқа мақсадларга ишлатиш мумкин эмас.

Фондларни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши иштирокида белгиланади.

12-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш воситаларини яратиш ва ишлаб чиқаришдан корхоналарнинг иқтисодий манфаатдорлигини таъминлаш

Корхоналар фойдасининг меҳнатни муҳофаза этишга оид адабиётлар, плакатлар, бошқа тарғибот воситаларини нашр этиш ҳисобига ҳосил бўлган қисмига, шунингдек илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари фойдасининг жамоани ва ишловчиларни якка тартибда ҳимоялаш воситаларининг янгиларини яратиш, ишлаб чиқариш муҳитини назорат қилиш асбоблари ва дозиметрия воситаларининг янгиларини яратиш, ишлаб чиқариш ва мавжуд воситаларни сотиш ҳисобига ҳосил бўлган қисмига имтиёзли солиқ солинади.

13-модда. Корхоналарда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш

Корхонадаги, ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабларига мувофиқ бўлиши лозим.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил этиш ва назоратнинг натижаларини тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юкланади.

Меҳнат шароити зарарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда, шунингдек ўта нохуш ҳароратли ёки ифлосланишлар билан боғлиқ шароитларда бажариладиган ишларда меҳнат қилувчиларга давлат бошқаруви идоралари белгилаган меъёрларда махсус кийим, пойафзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари, ювиш ва дезинфекциялаш воситалари, сут ёки унга тенглашадиган бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, парҳез овқат бепул берилади.

Корхонада меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномаси ёки битимида кўзда тутилади.

14-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари

Вазирликлар, идоралар, концернлар, ассоциациялар, бошқа хўжалик органлари касаба уюшмалари Марказий (республика) қўмитаси билан келишиб ўзлари тасдиқлайдиган низомга мувофиқ меҳнат муҳофазаси ишларини мувофиқлаштириб борадилар.

Ходимлар сони 50 нафар ва ундан ошадиган корхоналарда махсус тайёргарликка эга шахслар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади), 50 ва ундан зиёд транспорт воситаларига эга бўлган корхоналарда эса бундан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади). Ходимлар сони ва транспорт воситалари миқдори камроқ корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазифаларини бажариш раҳбарлардан бирининг зиммасига юкланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган низомлар асосида ишлайди ва ўз мақомига кўра корхонанинг асосий хизматларига тенглаштирилади ҳамда унинг раҳбарига бўйсунади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларининг мутахассислари барча ходимлар меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва меъёрларига риоя этишларини назорат қилиш, тармоқ бўлинмалари раҳбарларига аниқланган нуқсонларни бартараф этиш ҳақида бажарилиши шарт бўлган кўрсатмалар бериш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузаётган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳақида корхоналарнинг раҳбарларига тақдимномалар киритиш ҳуқуқига эгадирлар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматларининг мутахассислари уларнинг хизмат вазифаларига тааллуқли бўлмаган ишларни бажаришга жалб этилишлари мумкин эмас.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари корхона фаолияти тўхтатилган тақдирдагина тугатилади.

15-модда. Ходимларни бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан ижтимоий суғурта қилиш

Корхоналарнинг ходимлари Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда ва шартлар билан бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий суғурта қилинишлари шарт.

Фуқароларни уларнинг саломатлигига зид бўлган ишга қабул қилиш ман қилинади.

Маъмурият ходимни касб касаллигининг пайдо бўлиш эҳтимоли юқори даражада эканлиги олдиндан аён бўлган ишга қабул қилаётганда уни бу ҳақда огоҳлантириши шарт.

17-модда. Мажбурий медицина кўриклари

Корхона соғлиқни сақлаш идоралари томонидан белгиланган тартибга мувофиқ равишда бир қатор касблар ва ишлаб чиқаришларнинг ходимларини меҳнат шартномасини имзолаш пайтида — дастлабки тарзда ва меҳнат шартномаси амал қиладиган даврда вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шарт. Ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бош тортишга ҳақли эмаслар.

Ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бош тортсалар ёки ўтказилган текширишларнинг натижалари бўйича тиббий комиссиялар бераднган тавсияларни бажармасалар, маъмурият уларни ишга қўймаслик ҳуқуқига эгадир.

Ходим, агар у ўзининг саломатлигини ёмонлашиши меҳнат шароити билан боғлиқ деб ҳисобласа, навбатдан ташқари тиббий кўрик ўтказилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Тиббий кўрикларни ўтказиш пайтида ходимнинг иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланади.

18-модда. Меҳнат фаолияти жараёнида меҳнатни муҳофаза қилиш ҳуқуқининг кафолатлари

Маъмурият меҳнатни муҳофаза қилишнинг замонавий воситаларини жорий этиши ва ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ҳамда касб касалликларининг олдини оладиган санитария-гигиена шароитларини таъминлаши шарт.

Ходимнинг саломатлиги ёки ҳаётига хавф туғдирувчи вазият пайдо бўлганда, у бу ҳақда зудлик билан маъмуриятга хабар қилади, бу ҳол назорат органлари томонидан тасдиқланган тақдирда маъмурият ишни тўхтатиши ва хавфни бартараф этиш чорасини кўриши шарт. Маъмурият томонидан зарур чоралар кўрилмаган тақдирда, ходим ишни хавф бартараф этилгунга қадар тўхтатиб туришга ҳақлидир ва унга ҳеч қандай интизомий жазо берилмайди.

Маъмурият, агар меҳнатни муҳофаза қилиш инспекцияси томонидан тасдиқланган, ходимнинг ҳаёти ва саломатлиги учун тўғридан-тўғри жиддий хавф ҳамон сақланиб турган бўлса, ундан ишни қайта бошлашни талаб қилишга ҳақли эмас ва ходимга иш тўхтатиб турилган бутун давр учун барча моддий зиённи тўлаши шарт.

Маъмурият меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни бузган ва бу назорат қилувчи идоралар томонидан тасдиқланган тақдирда, меҳнат шартномаси, ходимнинг аризасига кўра, унга ишдан бўшаганда бериладиган пул тўлангани ҳолда, исталган пайтда бекор қилиниши мумкин.

Ходимда касб касаллиги белгилари аниқланган тақдирда маъмурият тиббий хулоса асосида уни ихтисосини ўзгартиргунга қадар ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда бошқа ишга ўтказиши лозим.

19-модда. Ходимларни меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўқитиш ва уларга йўл-йўриқлар бериш

Корхоналарнинг барча ходимлари, шу жумладан раҳбарлари ўз касблари ва иш турлари бўйича давлат назорат идоралари белгилаган тартиб ва муддатларда ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари, билимларини текширувдан ўтказишлари ҳамда қайта аттестациядан ўтишлари шарт.

Маъмурият барча янги ишга кираётганлар, шунингдек бошқа ишга ўтказилаётганлар учун ишларни бажаришнинг хавфсиз усулларини ўргатишни ташкил этишлари, меҳнатни муҳофаза қилиш ва бахтсиз ходисаларда жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича йўл-йўриқлар беришлари шарт.

Ўта хавфли ишлаб чиқаришларга ёки касбий танлов талаб қилинадиган ишга кираётган ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича имтиҳонлар топширилади ва кейин вақти-вақти билан қайта аттестациядан ўтиладиган ўқув ўтказилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган тартибда ўқитиш, йўл-йўриқлар бериш ва билимларни текширишдан ўтмаган шахсларни ишга қўйиш тақиқланади.

Маъмурият ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича малакаси мунтазам ошириб борилишини таъминлаши шарт.

20-модда. Меҳнат шароитлари ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиниши тўғрисида ходимларнинг ахборот олишга доир ҳуқуқлари

Корхона ходимлари иш жойларидаги меҳнат шароитларининг аҳволи ва муҳофаза қилиниши, бунда лозим бўлган шахсий ҳимоя воситалари, имтиёзлар ва товон пуллари тўғрисида ахборот талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар, маъмурият эса уларга бундай ахборотни бериши шарт.

21-модда. Ходимларнинг айрим тоифалари учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари

Ходимларнинг айрим тоифалари (хотин-қизлар, ёшлар, меҳнат қобилияти чекланган шахслар), шунингдек меҳнатнинг оғир ва зарарли шароитларида ишловчи ходимлар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан белгиланади.

IV БЎЛИМ. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШГА ДОИР ҚОНУНЛАР ВА БОШҚА МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРГА РИОЯ ЭТИЛИШИ УСТИДАН ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

22-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат назорати

Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга ҳамма жойларда риоя этилиши устидан давлат назоратига махсус ваколат берилган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган низом асосида ишловчи давлат идоралари буни амалга оширадилар.

23-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати

Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини меҳнат жамоалари ва касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ўзлари сайлайдиган вакиллар амалга оширадилар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича махсус тайёргарликдан ўтган вакил иш жойларида меҳнат муҳофазасининг аҳволини монеликсиз текшириш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритиш ҳуқуқига эгадир. Меҳнат муҳофазаси бўйича вакилга ўз вазифаларини бажариши учун ҳар ҳафтада иш пайтида камида икки соат вақт ажратиб берилади ва ўртача иш ҳаки миқдорида ҳақ тўланади.

24-модда. Ходимларнинг меҳнати муҳофаза қилинишига доир ҳуқуқларини ҳимоя этиш бўйича касаба уюшмаларининг ҳуқуқлари

Касаба уюшмалари давлат ва хўжалик идоралари олдида ходимларнинг меҳнати муҳофаза қилинишига доир ҳуқуқларини ҳимоя қиладилар, унинг рўёбга чиқарилиши устидан назоратни амалга оширадилар, ана шу мақсадда ўз қарамоғларида низом асосида ишловчи меҳнат техник инспекциясига эга бўладилар, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқишда, меъёрий ва ҳуқуқий фаолиятда иштирок этадилар. Меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига доир барча меъёрий ҳужжатлар (стандартлар, қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ва ҳоказо) касаба уюшмалари олдиндан кўриб чиққанидан кейин тегишли идоралар томонидан қабул қилинади.

Касаба уюшмалари ўз ташаббуси билан ёки ишловчиларнинг илтимоси билан корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилишини, жамоа шартномаларини ва битимлари бажарилишини текшириш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ёки маъмуриятга тақдимномалар киритишга ҳақлидир.

Мансабдор шахслар уларни бажаришни асоссиз рад этган ёки одамлар соғлиғи ёхуд ҳаётига хавф туғдирувчи қонунга зид хатти-ҳаракатлар қилган, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ҳисобга олишдан яширган тақдирда касаба уюшмалари айбдорларни эгаллаб турган лавозимидан бўшатишгача жавобгарликка тортиш, шунингдек аниқланган камчиликлар бартараф этилгунга қадар ишларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги талаблар билан давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига мурожаат этишга ҳақлидирлар.

Ходимнинг меҳнатни муҳофаза қилинишига бўлган ҳуқуқлари рўёбга чиқарилиши устидан назоратни амалга ошириш чоғида касаба уюшмаларининг меҳнат техник инспекцияси исталган корхонани бемалол кириб кўриш, аниқланган нуқсонларни бартараф этиш тўғрисида маъмуриятга кўрсатмалар бериш, мансабдор шахсларга жарима солиш, агар бундан буён ишлатилиши меҳнат қилувчилар соғлиғи ёки ҳаётига хавф туғдирса, ускуналар, участкалар, цехлар, ишлаб чиқаришларнинг ишини вақтинча тўхтатиб қўйиш, ишлаб чиқаришда ходим дучор бўлган бахтсиз ҳодисаларни текширишда қатнашиш (ёки уни мустақил ўтказиш)га ҳақлидир.

Касаба уюшмалари белгиланган тартибда меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ва келишиб олишда иштирок этадилар, улар билан келишиб олинмаган ҳужжатларнинг кучга киритилишига қарши тегишли давлат идоралари орқали протест киритиш ҳуқуқига эгадирлар.

Касаба уюшмалари ишлаб чиқариш воситаларини синаш ва фойдаланишга қабул қилиш давлат комиссиялари ишида, ишлаб чиқаришдаги касб касалликларини текширишда, тиббий-меҳнат эксперт комиссияси (ТМЭК) мажлисларида иштирок этадилар, меҳнатни муҳофаза қилишнинг аҳволини, уни яхшилаш бўйича жамоа шартномаларида кўзда тутилган тадбирлар бажарилишини текширадилар ва уларнинг натижалари юзасидан аниқланган нуқсонларни бартараф этишга қаратилган, бажарилиши шарт таклифлар киритадилар.

Хизмат вазифаларини бажариш чоғида майиб бўлиш ёки саломатликка бошқача тарзда путур етиши туфайли келтирилган зарар қопланиши учун ҳамда ходимларнинг саломатлиги ва меҳнати муҳофаза қилинишига бўлган ҳуқуқлари чекланган бошқа ҳолларда касаба уюшмалари ўз ташаббуси билан ёки ишловчиларнинг аризаларига биноан уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб даъво аризалари билан судга мурожаат этишлари мумкин.

V БЎЛИМ. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЛАР ВА БОШҚА МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

25-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишга доир талаблар таъминланмагани учун корхоналарнинг жавобгарлиги

Корхоналар меҳнатни муҳофаза қилишга доир талаблар таъминланмаганлиги учун ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан ижтимоий суғурта қилиш мақсадларига оширилган тарифлар бўйича маблағлар ажратадилар. Тарифлар меҳнат шароити, бажариладиган ишлар хавфлилиги, зарарлилиги ва оғирлигига боғлиқ ҳолда вақти-вақти билан қайта кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг меҳнат шароитлари давлат экспертизаси берган хулоса тарифлар қайта кўриб чиқиш учун асос ҳисобланади.

26-модда. Меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш аҳамиятидаги маҳсулотни тайёрлаганлик ва сотганлик учун корхоналарнинг иқтисодий жавобгарлиги

Меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш аҳамиятига молик маҳсулот ишлаб чиқараётган ва етказиб бераётган корхоналар истеъмолчиларга етказилган зарарни Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланадиган тартибда ва шартларда қоплайдилар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича стандартлар, қоидалар ва меъёрларнинг Ўзбекистон Республикасида белгиланган талабларига номувофиқ ишлаб чиқариш воситаларини, якка тартибдаги ва жамоани ҳимоялаш воситаларини, шу жумладан хориждан сотиб олинганларини сотиш ва тарғиб қилиш ғайриқонуний ҳисобланади. Бундай фаолият натижасида корхона олган фойда белгиланган тартибда бюджетга мусодара қилиниши керак.

27-модда. Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни бузганлик учун жавобгарлик

Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар бузилишида айбдор бўлган ёки давлат ва жамоатчилик назорати идоралари вакилларининг фаолиятига монелик қилаётган мансабдор шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Корхоналарнинг бошқа ходимлари меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларнинг талабларини бузганлик учун белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

28-модда. Ишлаб чиқаришда жабрланган ходимларга зиён етказганлик учун корхоналарнинг моддий жавобгарлиги

Маъмуриятнинг айби билан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ёки касб касаллиги натижасида меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотган ходимга Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартиб ва миқдорда корхона бир марта бериладиган нафақа тўлайди ҳамда соғлиққа етказилган шикаст учун товон тўлайди.

Бир марта бериладиган нафақа миқдори жамоа шартномаси (битими) билан белгиланади ва жабрланувчининг бир йиллик маошидан кам бўлмаслиги лозим.

Агар ходим даволаниш, протез қўйдириш ва тиббий ҳамда ижтимоий ёрдамнинг бошқа турларига муҳтож бўлса, корхона жабрланган ходимга бу тадбирлар билан боғлиқ харажатларни тўлайди, шунингдек жабрланувчининг касбини ўзгартириб қайта тайёрланишини ва тиббий хулосага мувофиқ ишга жойлашишини таъминлайди ёки ана шу мақсадлар учун ажратиладиган харажатларни тўлайди.

29-модда. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида ходим вафот этган тақдирда корхонанинг моддий жавобгарлиги

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида ходим вафот этган тақдирда корхона тегишли ҳ

«ИПАК ЙЎЛИ» ҲАМКОРЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Туркияда шу йилдан эътиборан турк ва рус тилларида янги маданий-иқтисодий журнал — «Ипак йўли» нашр этила бошлади. Номидан ҳам кўриниб турганидек, журнал Буюк ипак йўлида жойлашган Осиё ва Оврўпо мамлакатларининг, хусусан туркий жумҳуриятларнинг иқтисодий ва маданий ҳамкорлигини ривожлантириш, бирлигини мустаҳкамлаш масалаларини ёритишни асосий мақсад қилиб олган. Журнал ҳомийси, туркиялик таниқли ишбилармонлардан Ирфон Қурт ўғли сўзбошида бу ҳақда шундай деб ёзади: «Етмиш беш йиллик ҳасрат битди. Ипак йўли очилди. Биз бу кунларда таърифлашга сўз ожиз бўлган баҳтиёрлик дамларини бошдан кечирмоқдамиз. Бутун ҳатто қуёш ҳам бошқача чиқмоқда, ҳаммамизга бошқача бир нур сочиб, бошқача бир иситмоқда. Бу ҳурлик қуёшидир... Ипак йўлидан қатъий одимлар-ла илгари боражакмиз. Янада кучлироқ бўлиш учун бир-биримизни қўллаб-қувватлажакмиз. Келинглар, қўлни-қўлга бериб, Ипак йўлига муҳаббат ва тинчлик уруғларини экиб, ишонч-ла ўстирайлик».



— Янги нашрнинг илк сонидан Туркия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Туркманистон жумҳуриятлари ҳаётига оид ранг-баранг материаллар, фотолавҳалар, мақолалар ўрин олган, — дейди журналнинг Ўзбекистондаги вакили, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётининг директори Бобохон Шариф. — Уларнинг ҳаммасида бирлик ва ҳамкорлик ғояси бош мақсаддир. Дастлабки саҳифаларда Буюк ипак йўли тарихи, бу йўлда жойлашган мамлакатлар ҳақида маълумотлар, кўркам тиниқ рангли суратлар берилган. Журнал турк дунёсининг ижтимоий ва иқтисодий ҳамкорлигини қарор топтириш ҳамда ривожлантиришда муҳим ўрин тутган олтита турк давлати раҳбарларининг 1992 йил 30—31 октябрда Анқарада ўтказилган олиймақом учрашувини ёритишга катта аҳамият берган. Туркия жумҳуриятининг ўша вақтдаги Бош вазири, ҳозирги Президенти Сулаймон Демирэл айтганидек, бу учрашув туфайли турк дунёси кенгайиб, Адриатика денгизидан Буюк Хитой деворига бориб етди. Янги дунё майдонга чиқиб, янги жўғрофия шаклланмоқда. Бу дунёнинг номи Оврўосиёдир.

Журналнинг кейинги саҳифаларида олтита турк жумҳуриятидан ҳар бирининг иқтисодий ва маданий ҳаёти алоҳида-алоҳида ёритилади. Бу мақолалар, фотолавҳалар тўркуми ҳар бир давлат ёки ҳукумат бошлиғининг сўзлари билан бошланади. Сўнг шу жумҳурият тарихи, жўғрофияси, иқтисодий ва маданий ҳаётига оид ранг-баранг материаллар берилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳаётига айниқса кенг ўрин берилган. Бу туркум мақолалар ва бошқа материаллар жумҳуриятимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон яқин келажакда жуда кучли, буюк давлат бўлажак» сўзлари билан очилади. Саҳифада Президентимизнинг Ўзбекистонни бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган эркин демократик давлатга айлантириш борасидаги фикрлари ёритилади.

Журналда ўзбек маданияти тарихини ёритишга ҳам катта эътибор берилган. Дунё маънавий хазинасига улкан ҳисса қўшган буюк олимларимиз, шоирларимиз, алломаларимиз тўғрисида маълумотлар бор.

Журналда таъкидланганидек, турк жумҳуриятлари чинакам Уйғониш даврини бошдан кечирмоқда. Ўйлаймизки, бу даврда «Ипак йўли» қардош мамлакатларимизнинг тараққиёт сари интилишларини бирлаштиришда, туркий халқларнинг мангу ҳамқадам ва ҳамнафас бўлиб келажакнинг ойдин йўлига чиқиб олишида маёқ бўлади.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

«БАНКЛАР ВА БАНК ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШЛАР ҲАМДА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1991 йил, Ғ 4, 84-модда; 1992 йил Ғ. 10, 396-модда) қуйидаги ўзгартишлар ҳамда қўшимчалар киритилсин:

1. 2-модда:

Қуйидаги мазмундаги 4-банд билан тўлдирилсин:

«4. Ўзбекистон Республикасининг қонунларида кўзда тутилган ҳолларда банклар кредиторга бериш учун қарздордан депозитга пул ва қимматли қоғозлар қабул қиладилар.

Пул ва қимматли қоғозларни банк депозитига қабул қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан белгиланади».

4 ва 5-бандлари тегишли равишда 5 ва 6-бандлар деб ҳисоблансин.

2. 5-модданинг 3-бандидаги «бошқа республикаларда ва чет элларда» деган сўзлар «бошқа давлатларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3. 18-модда:

3-бандининг бешинчи хатбошиси қуйидагича таҳririда баён этилсин:

«Муассисларнинг молиявий аҳволи тўғрисида аудиторнинг ёки аудиторлик фирмасининг хулосаси»;

3-бандининг олтинчи хатбошиси «Банк» деган сўздан кейин «ва унинг филиалларй» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

8-банди қуйидаги мазмунда бўлган «Е» кичик банд билан тўлдирилсин:

«е) лицензиялар, амалдаги қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлари шартларини бузса»;

13-банддаги «олий ҳакамлик судига» деган сўзлар «олий хўжалик судига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 19-модданинг 2-банди иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳririда баён этилсин:

«— Устав фондининг энг кам миқдори тижорат банклари учун 100 миллион сўм, кооператив ва хусусий банклар учун — 50 миллион сўмга тенг бўлиб, муассислар банк иш бошлагунига қадар уни тўлашлари керак. Бундан буён «100» ва «50» кўрсаткичлари пул қадрсизланишинйнг индексинй инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасида энг кам ойлик иш ҳақининг ўсишига мос равишда аниқлаштйриб борилади».

5. 22-модданинг 3-бандидаги «акцияли жамиятлар ва масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисидаги амалдаги қонунларда» деган сўзлар «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрйсида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунйда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 33-модданинг 2-бандидаги «судларга, тергов органларига, ҳакамлик органларига» деган сўзлар «тергов органларига, судларга ёки хўжалик судларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7. 34-модданинг 1-бандида:

«Суд қарори, тергов органлари ёки ҳакамлик органлари қарорлари» деган сўзлар «тергов органларининг қарорлари, судлар ёки хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари» деган сўзлар билан алмаштйрилсин;

«Ҳакамлик органлари» деган сўзлар «хўжалик судлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8. 43-модда:

1-банди «банклар» деган сўздан кейин «Гаров тўғрисида»ги Ўзбекйстон Республикаси қонунига мувофиқ» деган сўзлар бйлан тўлдирилсин;

2-4-бандлари қуйидагича таҳрирда баён этилсин:

«2. Асосий воситаларга кирувчи бйнолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа мол-мулк, башарти, мижоз уларга эгалик қилиш ҳуқуқига эга бўлса, гаров сйфатида қабул қилиниши мумкин.

3. Гаров тўғрисидаги шартномада назарда тутилган ҳолларда банк гаровга қўйилган мол-мулкни судга ёки хўжалик судига мурожаат қилмасдан мустақил равишда сотйшга ҳақлидир.

4. Банкка гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан тушган маблағдан банк гаров билан таъминланган қарзни тўлаш учун фойдаланади, бунда банк бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг даъволарига нисбатан устунликка эга бўлади».

5-банди чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 7 май.

МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР МАЖМУИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Ватанпарварлик мафкураси она заминга бўлган муҳаббат, уни севиш, эзозлаш, ардоқлаш ва унинг равнақи ҳақидаги ғоялар мажмуидир. **Ватанпарварлик мафкураси** — бу жамият аҳли руҳиятнинг кўрсаткичи, ҳохиш-иродасининг намоён бўлишидир. **Ватанпарварлик мафкураси** жамиятдаги барча кишиларни, миллат ва элат вакилларини, ижтимоий-сиёсий куч ва гуруҳларни бирлаштирувчи муҳим омилдир. **Ватанпарварлик мафкураси** ҳар қандай партиявий мафкурадан юқоридир. **Ватанпарварлик мафкураси** давлат тараққиётини белгилаб берувчи мафкуравий мезонларни ҳам қамраб олади. **Ватанпарварлик мафкураси** адолатли ҳуқуқий демократик фуқаролик жамияти ҳақидаги сиёсий-ҳуқуқий ғоялардан ҳам ташкил топади. Шу нуқтаи назардан ўзбек давлатининг буюк келажаги сари қўйилаётган ва И. А. Каримов кўрсатиб берган қадамларнинг асосий йўналишларини белгиловчи беш омил, беш мезон, беш қоида давлат ҳуқуқий мафкурасининг негизини ташкил этади. **Ватанпарварлик мафкураси** — бу мустақил миллий давлатчилик қуриш учун амалга оширилаётган ва кўп йилларга мўлжалланган ислоҳотлар, буюк келажагимизга ишонч руҳида суғориладиган дастуриламал ғоялар ҳамда ҳаракатлар мажмуидир. **Ватанпарварлик мафкураси** — бу халқ мафкураси бўлмоғи керак. Ватанпарварлик мафкурасини бир гуруҳ олимлар, ёзувчилар ўйлаб чиқармасликлари керак (бунга оғишга мойиллик ҳозирдан сезилмоқда). Зиёлиларнинг бурчи халқ ҳоҳиш-иродасига, халқнинг туб манфаатларига жавоб берадиган мафкурани шакллантиришдир.

Том маънодаги мустақиллик ўзбек халқининг асрий орзуси ва буюк тарихий ютуғидир. Мана шу мустақиллик шарофатидан баҳраманд бўлолмаган, аммо бу йўлда жон фидо қилганларнинг руҳи-поклари ҳурмати ўлароқ, биз ҳоҳ ишчи-деҳқон, ҳоҳ олиму-ёзувчи, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси истиқлолимизни чуқур ҳис этиб, идрок этиб буюк келажагимизга ишонч руҳида бирлашмоғимиз зарур. Фақат сўздагина эмас, албатта. Чунки доно халқимиз айтганидек: «ҳолва — деган билан оғиз чучимас». Барчамиз амалий фаолиятимиз билан, ҳар ким ўз жойида: ўқувчи ва талаба аъло ўқиши, олим буюк кашфиётлари, бободеҳқон ширин-шакар мева-чевалари, муҳандис замонавий асбоб-ускуналари билан мустақилликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшайлик. Қолаверса, шу заминнинг барча фарзанди, ҳур Ўзбекистоннинг бугунига, эртасига, келажагига бефарқ бўлмасин. Барча имкониятларимизни бирлаштириб, мустақиллик биномиз пойдеворини метиндек мустаҳкам, чинордек боқий қилишга куч-ғайратимизни сафарбар этайлик. Бу бизнинг Ватанимиз олдидаги фарзандлик бурчимиздир. **«Муқаддас ўзбек днёрида яшовчи ҳар бир киши ўзининг ана шу бурчини қалб кўри, ақлидроки ва истеъдоди билан адо этиши ҳам қарз, ҳам фарздир».**

Яқин-яқинларга қадар «миллий мафкура» ибораси-ни ишлатиш жиноят ҳисобланарди. Ўз миллатини севиш, миллий ютуқлардан фахрланиш, миллат йўлидаги саъй-ҳаракатлар «миллатчилик» тамғалари билан қораланарди. Инсоннинг ўз миллатига мансублигидан ғурурланишини ҳаҳотки, «миллатчи»лик деб бўлса?! Миллатчи миллат бўлмайди. Миллийлик, миллатга мансублик — бу умумжаҳон тараққиёт қонуниятидир. «Миллатчилик», «миллатчи» дейдиганларни, ўз насл-насабини билмайдиганларни, буюк давлатчилик, империяча миллий сиёсат «манқуртлари» деб баҳолаш мумкин, холос. Ўзбекман, миллатимдан, онаюртимдан фахрланаман, ўзбек давлатининг фуқаросиман, деб ғурур билан айтолмаганлар ҳақида нима дейиш мумкин ахир?! Бу ҳолат бутун жаҳонда тантана қилиши лозим бўлган «байналмилалчилик» сиёсатининг оқибатлари эмасми? Шу билан бирга, миллий тилимиздан, динимиздан айрилиб қолаёздик, тарихий меросимиздан жудо бўлдик, миллий урф-одатларимизу — удумларимизни унутаёздик деган гапларда, албатта, жон бор. Аммо, шуни алоҳида қайд этишни истардимки, авваламбор худди шундай айюҳаннос солаётган кимсалар биринчи навбатда шу аҳволга тушиб қолганлар. Шунинг учун ҳам улар ҳаммадан кўра кўпроқ бақирадилар. Шукроналар бўлсинким, ўзбек халқи ҳеч қачон, қанчалик истибдод, қанчалик тазйиқ-чеклашларга қарамай, тили, дини, маданияти, мероси илдизларидан узилиб қолган эмас. Миллатимизнинг мана шу чуқур ва теран, соғлом ва бой маънавият томирлари буюк келажагимиз мустаҳкам пойдеворининг таянч нуқталарини ташкил этади.

Ўзбек миллий мафкурасининг негизини қуйидагилар ташкил этади:

Биринчидан, миллий ғурур;

Иккинчидан, ўзбек миллатининг асосий фазилатлари, ва ниҳоят, **учинчидан,** буюк миллий маданий меросимиз.

Масалан, ўзбек миллатининг ғурури, миллий ифтихори қуйидагиларда яққол намоён бўлади:

Биринчидан, она-Ватанимизнинг буюк кўп минг йиллик тарихий ўтмишида, унинг Шарқ маърифатпарварлиги, умуман, жаҳон цивилизациясига қўшган беқиёс ҳиссаси ва унда тутган мавқеида;

Иккинчидан, бизнинг ватандошларимиз бўлмиш жаҳон миқёсида тан олинган фан, дин, адабиёт, санъат даҳоларимизда, давлат ва жамоат арбобларимизда;

Учинчидан, диёримизнинг бебаҳо маданият, санъат, меъморчилик ёдгорликларида;

Тўртинчидан, ўзбек халқининг ўз она тилига, миллий урф-одатларига, анъана ва удумларига содиқлигида;

Бешинчидан, ўзбекларнинг буюк ислом цивилизацияси ва маданиятига мансублигида:

Олтинчидан, ўзбек давлатининг табиат бойликлари, серҳосил ерлари, буюк дарёларида, қолаверса, мамлакатимизнинг иқтисодий қуч-қудратида;

Еттинчидан, кўп миллатли Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигида, унинг фуқаролари ва бутун халқнинг истиқлол ва тараққиётга, буюк келажакка бўлган ишончида;

Саккизинчидан: фуқароларимизнинг жаҳон талаблари даражасида билим ва малака олишга, фан-техникага, бозор иқтисодиёти тадбиркорлиги маданиятига бўлган иштиёқ ва интилишида;

Тўққизинчидан, Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятда тан олинишида ва халқаро нуфузининг ошиб бориши;

Ўзбек халқи ҳам, барча халқлар сингари асрлар мобайнида сақланиб-сайқалланиб келган миллий урф-одати, расм-русуми, удуми ва анъаналари, юриш-туриши, ғурури, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, дини, ҳуқуқий онги, бир сўз билан айтганда маданий-маънавий дунёси билан ажралиб туради. Ўзбек халқининг маънавиятида миллатнинг ўтмиши, ҳозирги куни ифодаланиши билан бирга у оилавий ҳаёт учун, ҳар бир инсон учун муҳим тарбиявий аҳамиятга моликдир. Чунки боболаримиз ана шу кўзга илинмас ҳис-туйғу ва онг, аждодлар хотираси ва узвийлиги таъсирида, она сути, она алласи билан маънавий озуқа, тарбия оладилар. Ушбулар тил воситасида онгимизга кира борди. Буларнинг барчаси миллат маънавиятининг гултожи ҳисобланади.

Сир эмас, асрлар давомида аждодларимиз ҳаётида таркиб ва равнақ топган миллий-маданий анъаналарни, урф-одатларни қадрламаслик маънавий тубанлик, ўз тарихига, она заминига, тупроғига ҳурматсизликдир. Бой қадимий ва навқирон маънавиятимиз дурдоналари миллий маънавий инқирознинг олдини олишда, миллий маънавий салтанатимизни тиклашда муҳим таянчдир.

Миллатимиз маънавият салтанати деворлари ўзбек маданиятининг янги босқичидаги Уйғонишдир (Ренассансидир). Кўп минг йиллик маданий меросимиз илдизлари униб, қайта куртак отмоқда. Хўш, ўзбек миллий маънавиятимиз хусусиятлари нималардан иборат?

Биринчидан, бизнинг юртимиз маданиятнинг барча соҳаларида юзлаб, минглаб жаҳоншумул улуғ зотлар, давлат арбобларини берган. Буюк аждодларимиз умумбашарият маърифатпарварлигини яратишда бевосита иштирок этганлар, улкан ҳисса қўшганлар. Шунинг учун ҳам ўзбек миллий маданий мероси жаҳон маданиятининг узвий таркибий қисмидир.

Иккинчидан, мустақил Ўзбекистоннинггина эмас, балки бутун жаҳон маънавияти салтанатида ўз ўрнига эга бўлган улуғларимизни улуғлаш вақти келди. Тўмарис ва Широқ, Спитамен ва Мангуберди, Темур Малик, буюк бобомиз Амир Темур, Улуғбек, Бобур, Шоҳ Жаҳон ва бошқа улуғларимизнинг руҳини шод айламоғимиз, Гўрўғли, Алпомиш, Ойбарчин, Равшан, Ҳасан, Кунтуғмиш достонларини баралла куйламоғимиз ва эшитмоғимиз керак.

Учинчидан, Ўзбекистон ўзининг чуқур давлатчилик негизларига эга, ўзига хос сиёсий-ҳуқуқий, маданий мерос соҳибидир. Эрамиздан бир неча юз йиллар олдин, бизнинг ҳудудимизда давлатҳуқуқий институтлар ва қарашлар тараққий этган. Мовароуннаҳрда ислом маърифатига, ҳуқуқшунослигига — фиқҳ, шариатга ва умуман, жаҳон ҳуқуқий маданиятига улкан ҳисса қўшган фақиҳлар — юристлар яшаганлар.

Тўртинчидан, бизнинг ҳудудимиздаги 9 мингдан зиёд тарихий, маданий, меъморчилик ёдгорликлари — ўзбек халқининг беқиёс маданий меросининг тирик гувоҳларидир. Уларни таъмирлаш, тиклаш, сақлаб қолиш ва келажак авлодларга етказиш ҳар биримизнинг маънавий, қолаверса, инсоний ватанпарварлик бурчимиздир. Шунинг учун Асосий Қомусимизнинг 49-моддасида «Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар» дейилган. Бу борада ушбу конституциявий қоидани ривожлантириб, «Маданий меросни ҳимоя қилиш тўғрисида» махсус қонун қабул қилинса, нур устига аъло нур бўлур эди.

Хуллас, миллий истиқлол мафкурасининг узвий таркибий қисмини бой маданий меросимиз ташкил этади. Маънавиятимиз гулшани дурдоналаридан баҳраманд бўлиб, тарбияланган соғлом авлод руҳан тетик, енгилмас бўлиб, доимо музаффар отида юргай.

Ўз фикримни якунлар эканман, ўқувчининг эътиборини «мафкура» иборасининг қандай келиб чиққанлигига қаратмоқчиман. Франция XIX асрнинг бошларида амалий фаолиятга раҳбарликни яратиш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, қарашларни англашнинг янгича иқтисодчиси Дестют де Траси «Мафкура элементлари» китобини ёзиб, унга «Мафкура» терминини киритди. (бу ҳам тасодифий эмас). Бу билан у сиёсат, одоб, иқтисод ва ҳуқуқ асослари учун мустаҳкам пойдевор қуриш йўлларини кўрсатиб беришни кўзлаган эди. Бироқ, мафкура дегани, ўзида маълум бир хавфни мужассамлаштирадиган кўринишдир. Шу туфайли ҳам Франция императори Наполеон I унга фаол қаршилик қилган эди. Сабаби шундаки, агар мафкура, эҳтиёждан ва, таъкидлайман, ҳаёт имкониятларидан узилиб қолган бўлса у давлатга ҳам, жамиятга ҳам катта зарар келтириш мумкин. Бир сўз билан айтганда, мафкура тўғрисида жамиятнинг ўзи қайғуриши, ўз мафкураси учун ўзи тайёр бўлиши лозим. Мафкурани хориждан келтириб бўлмайди, ахир.

Президентимиз ўз рисолаларида, нутқларида, айниқса, Республика Олий Кенгашининг XII сессиясидаги маърузасида халқимизнинг катта қийинчиликлар эвазига қўлга киритган давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ислоҳотлар шароитида ўз маънавиятини тиклаш ва замонавий мафкурасини яратиш томон бораётганини кўрсатиб берди.

Якуний хулоса сифатида, шуни таъкидлаш мумкинки миллий ватанпарварлик мафкураси — бу ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган иймон ва инсоф, меҳр-оқибат, меҳр-шафқат, уят ва андиша, ор-номус, бир-бирига ўзаро ҳурмат, она юртга, ўз элига садоқат каби азалий, ахлоқий-маънавий қадриятлар ҳақидаги ғоялар, қарашлар мажмуидир.

А. САИДОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг котиби.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАДБИРКОРЛИК ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

«Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1991 йил, №4, 60-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1. Муқаддиманинг иккинчи қисми қуйидаги таҳririда баён этилсин:

«Қонун тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мустақиллигини кафолатлайди, уларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлигини белгилаб беради, тадбиркорларнинг бир-бирлари билан бошқа корхоналар ҳамда ташкилотлар билан, барча бошқарув идоралари билан ўзаро муносабатларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган мулкчилик шакллари асосида ва уларга мувофиқ тартибга солиб туради».

2. 1-модданинг:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тадбиркорлик — мулкчилик субъектларининг моллар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳамда фойда ёки даромад олишга қаратилган амалдаги қонунлар доирасида ташаббускорлик билан фаолият кўрсатишдир»;

иккинчи қисми учинчи хатбошисидаги «фуқаролар» деган сўзлар «жисмоний» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми қуйидаги таҳririда баён этилсин:

«Тадбиркорлик фаолияти мулкдор томонидан ҳам, шунингдек, унинг мол-мулкини идора қилувчи субъект томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин».

3. 3-модданинг:

учинчи ва бешинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва олтинчи хатбошилари тегишли равишда учинчи ва тўртинчи хатбошилари деб ҳисоблансин.

4. 4-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидан «ва СССРнинг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5. 5-модданинг:

иккинчи хатбошисидаги «меҳнат фаолияти асосида» деган сўзлар «тартибдаги фаолият» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидан «айрим фуқаро томонидан» ва «хусусий» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилари қуйидаги таҳririда баён этилсин:

«бир гуруҳ фуқаролар ва юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган жамоа тадбиркорлиги ёки ҳамкорликдаги тадбиркорлик».

6. 7-модданинг:

биринчи қисм биринчи хатбошиси қуйидаги таҳririда баён этилсин:

«Ҳар бир фуқаро (бир гуруҳ фуқаролар) хўжалик юритувчи бошқа субъектлар билан тенг асосларда Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган шартларга риоя қилган ҳолда»;

иккинчи хатбошисидан «Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган шартларга риоя қилган ҳолда» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

тўртинчи хатбошисида «фуқароларнинг» деган сўз «жисмоний шахсларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошилари қуйидаги таҳririда баён қилинсин:

«Мустақил тарзда ходимларни ёллаш ва ишдан бўшатиш;

тадбиркорлик орқали чегараланмаган миқдорда, лекин солиқ солинадиган шахсий даромад орттириш;

ижтимоий таъминлаш ва ижтимоий суғурта қилиниш ҳуқуқига эгадир».

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 7 май.

• Истиқлол мафкураси: таклифлар, мулоҳазалар

ФАЙЛАСУФЛАР БУРЧИ

«Олдимизда турган энг муҳим масала, бу — миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизда татбиқ этишдир», — деган фикр мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг бир гуруҳ ёзувчилар билан ўтказган учрашувида ҳам, Республика Олий Кенгаши йиғилишида ҳам бугунги куннинг муҳим муаммоси сифатида ўртага қўйилди. Зеро, истиқлол мафкураси нима эки, у қандай бўлмоғи лозим? Янги мафкуранинг асоси, хусусиятлари борми, уларни ким ишлаб чиқади? Ҳаёт тақозо этаётган бундай долзарб масалалар аввало файласуфларни ўйлантириши табиий. Шу боис Ўзбекистон Республикаси фалсафа жамияти, Ўзбекистон зиёлилари Илм-маърифат уюшмаси, Тошкент Давлат университети фалсафа факультети ўтказган давра суҳбати «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг мафкуравий асослари» мавзуига бағишланди.

Республика фалсафа жамияти президенти, профессор С. Шермуҳамедов суҳбатни бошлаб, истиқлол мафкураси яъни, Ўзбекистоннинг ўз йўли кенг халқ оммаси манфаатини кўзлайдиган йўл бўлишини, Ўзбек халқининг шарафли ўрнини тиклашга хизмат қилиши лозимлигини уқтирди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Э. Юсупов ўз фикрини баён этиб, жумладан шундай деди:

— Мафкурасиз жамият маълумки, келажаги йўқ давлатдир. Истиқлол мафкураси эса республика мустақиллигини мустаҳкамлаш, уни дунёда энг бой, илғор давлатга айлантириш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида аниқ мақсадга бирлашган илмий асосланган тизимнинг йиғиндисидир. Ҳар бир масаланинг ўз ғояси бор. Улар бирлашгандан кейингина бир бутун мафкурани ташкил қилади.

— Мамлакатимиз Президенти билан ижод аҳлининг суҳбатида давлат тизимида мафкура билан шуғулланувчи вакиллар бўлиши лозим деган фикрни ўртага ташлагандик, — дея сўз бошлади Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол. — Зеро, давлат қўрғони мустаҳкам бўлмас экан, иқтисодий, сиёсий, маънавий мустақиллик ҳам бўлмайди. Биз миллий қадриятларимиз, азалий анъаналаримиздан узилмаган ҳолда дунё кезишимиз, у билан танишишимиз, жаҳон тажрибасини ўрганишимиз лозим. Дунёдан оғоҳ бўлсак, дунё билан бирга ҳамнафас бўлолсак ўз юртимизда тараққиётга ҳисса қўша оламиз. Ваҳоланки, миллий мафкуранинг бир қаноти мустақиллик бўлса, иккинчиси тараққиётдир.

Мустақил республикамиз мафкураси ҳақида фикр юритар экан, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир-аъзоси профессор А. Аъзамхўжаев унинг ҳуқуқий асосларини яратиш хусусида алоҳида тўхталди.

— Бугунги кунда олдимизда миллий истиқлол мафкурасини яратиш, уни эътиқодга айлантириш вазифаси турибди, — деди давра суҳбатида қатнашган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг иккинчи котиби М. Қирғизоев. — Назаримда, мафкура билан ҳокимият, сиёсат деган сўзлар бирбирини тақозо этади. Улар бир-бирига мос, уйғун тушса, умуминсоний қадриятлар доирасида бўлса, бундай мафкура ҳам, давлат ҳам бизни улуғ йўлга, буюк мақсадларга бошлаши мумкин.

Давра суҳбатида қатнашган профессорлар О. Файзуллаев, А. Жалолов, И. Раҳимов, шунингдек, фалсафа факультети декани И. Эргашев, фалсафа фанлари номзоди Ж. Юнусовалар ҳам бу ҳақда ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

У. ФАЙЗИЕВА.

Ф. ХАЙДАРОВ, М. ИНОМОВ

Тожикистон: халқ фожиаси ва дард-алами

(Давоми. Бошы газетанинг ўтган сонларида).

Бу тожик ақидапарастлари йўлбошчиларининг стратегик режаларидир. Агар уларнинг тактик фаолиятлари тўғрисида гапирадиган бўлсак, энг аввало, бу фаолият молиявий ва ҳарбий ёрдамга асосланганлигини айтмоқ жоиз. Мана, фактларга мурожаат этайлик. 1991-1992 йилларда Тожикистоннинг турли районларида янги масжидлар қурилди. Одатдагидек, улар чет элдан келган маблағлар эвазига бунёд этилди. Улар қурол аслаҳалар асосий омборига айланди. Бу ерда бу жангариларнинг яширин йиғинлари ўтказилиб, ўз тузумларига тўғри келмайдиган шаҳар ва қишлоқларни йўқ қилиб юбориш режалари ишлаб чиқилди.

Ислом ақидапарастларига эрон ва афғон йўриқчилари яқиндан ёрдам бериб туришди. Шуниси аниқки, улар жангариларни тайёрлашда нафақат Афғонистон ҳудудидаги лагерларда, балки Тожикистоннинг ўзида ҳам фаол шуғулланишди. Жумладан, Душанбедан атиги қирқ километрча нарида бўлган Варзоб ва Ромит дараларида ўқув марказлари ташкил этилиб, бу ерда чет эллик йўриқчилар «дин йўлида муқаддас уруш» қилувчи ёшларни қирғиннинг энг нозик усулларини қўллашга ўргатишди.

Ҳеч қандай айб қилмаган кишиларнинг тириклайин терисини шилиб, бош терисини шилиб олиш, кўз ва оғизларига эритилган қўрғошин ва катрон қуйиш нима учун керак бўлиб қолди?. Ахир ҳаммом ва саройларга нафақат ақидапарастларга қарши кишилар, балки ҳар қандай сиёсатдан йироқ бўлган болалар, қариялар, аёллар ҳам банди этилгандику.

У ердан деярли ҳеч ким омон чиқмаган. Қўрқув ва даҳшат уруғини сочиш, ўз иродасига итоат этишга мажбур қилиш — жангариларнинг асосий мақсади. Ақидапарастлар ниятига кўра, фақат ҳақиқий тожикларгина яшаш ҳуқуқини олишлари мумкин эди. Шу ўринда қозикалоннинг комил ишонч билан айтган қуйидаги сўзларини келтириш мақсадга мувофиқ: «Муқаддас урушда тожикларнинг ярми қирилса қирилиб кета қолсин. Аммо колганлари билан мен чинакам ислом давлати қураман!»..

Қонли террорнинг ҳақиқий ташкилотчиси — қозикалон ўттиз тўққиз ёшли диний раҳнамо, дарғазаб «ислом демократи» Хўжа Акбар Тўражонзоданинг тожик фожиаси сабаблари ва ҳаракатлантирган кучлари тўғрисидаги гапи айни биз қўймоқчи бўлган асосий саволга жавоби эмасми?

Тожикистондаги фуқаролар уруши алангаси эса тобора кўкка ўрлаб борарди. Ақидапарастларнинг яхши қуролланган, ҳаракатдаги отрядлари қадимий

45.

бутун таъминотига етадиган сармоя. Айтишларича, Тожикистондаги хунрезликлар арафасида у ўз оиласи ва яқинларини чет элга олиб бориб, яхшилаб яшириб келган. Қолган кишилардан эса ўз давлатини қуришда фойдаланишни кўзлаган...

Жангариларнинг моддий рағбатлантирилишига келсак, уларга Душанбеда фаолият кўрсатувчи «Қозилик банки»дан катта миқдорда маблағ ажратиб турилган. Бу пулларни диндорларнинг ихтиёрий хайриялари деб айлаш гўллик бўлур эди. Мухолифчилар пул топишнинг ҳар қандай жирканчли йўлларидан қайтмаганликларини тасдиқловчи кўплаб далиллар бор. Бунинг энг таъсирчан йўлларидан бири — ҳар бир мусулмон учун ҳам фарз, ҳам қарз саналган жаноза ўқитмаслик йўли билан таҳдид солиш эди. Кейинроқ, яъни фундаменталистлар мағлубиятга учрай бошлагач, ҳар бир оиладан биттадан жангари талаб қилиб чиқишди. Аммо бунинг ўрнига 40 минг сўм тўланиши ҳам мумкин эди...

Энг қонли воқеалар, гуноҳсиз кишиларга нисбатан чинакам хунрезликлар Қўрғонтепа вилоятида рўй берди. Фақат Ургут қишлоғининг ўзида саноқли соатлар ичида болалар, аёллар, қариялардан иборат минг киши бўғизлаб ташланди. Ақидапарастлар жангарилари 70 минг аҳолиси бўлган вилоят марказига бостириб киргач, минг-минглаб кишиларнинг ёстиғи қуриди. Шу чоққача қийнаб ўлдирилганларнинг аниқ сонини ҳеч ким айтиб беролмайди. Бироқ шаҳар озод қилингандан сўнг, у ерда атиги беш минг аҳоли қолди. Журналистлар уни «Мурдалар шаҳри» деб номлашди. Ваҳоланки, бунда муболаға йўқ эди.

Ислом ақидапарастлари нима учун бутун қаҳр-ғазаб ва нафратларини Қўрғонтепага қаратишди?

Шаҳарни Халқ фронти Сангак Сафаров раҳбарлигида мудофаа қилиб турганди. Икки томондан ҳам жуда катта талофат берилди. Чунки жангларда бронетехника ҳам қатнашди. Қўрғонтепа халоскорлари қўлига ажиб ҳужжат — вилоят ижроия қўмитасининг раиси, ақидапарастларнинг ашаддий тарафдори Қадриддин Аслоновнинг кундалиги тушиб қолади. У С. Сафаров буйруғига биноан отилган эди. Бу кундаликда нималар битилган бўлиши мумкин?

Биринчи галда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар обдон ёзилганди. Жумладан: штаб тузиш, ҳарбий тизимни рота, батальон командирларини шахсан кўрсатган ҳолда шакллантириш, ялпи ҳарбий сафарбарлик эълон қилиш, пост ва дозорлар қўйиш, ИИБ

47.

юртда конунсизликни авж олдириб, кун сайин юзлаб, минглаб ўз ватандошларини маҳв эта борди. Давлат ҳокимиятидаги фалажлик, ҳуқуқ-тартибот органларининг бутунлай ноқобиллиги жангариларга янада қўл келди. Улар тожикми, русми, ўзбекми, татарми. ..дуч келганларнинг ҳаммасини бирдай ўлдириб кетаверишди. Нима учун? Ислом фундаментализмнинг улуғ ғоялари йўлида-да!

Ислом фундаментализмининг ўзи нима, қандай мафкурага асосланади?

Бу — ўта реакцион, мутаассибларча ҳаракат бўлиб, ўз олдига мусулмон мамлакатларида ҳокимиятни қўлга киритишни, дунёвий ривожланиш йўлидан юз ўгириб, шариат қонунлари асосида давлат тузишни мақсад қилиб қўяди. Ислом ақидапарастлиги мафкурасини унинг раҳнамоларидан бири, 1966 йили Сурия давлат тўнтаришини тайёрлашда айбланиб, ўлимга маҳкум этилган Саид Қутба анча аниқ ифодалаб берганди. Унинг баёнотича ижтимоий адолатли давлат тузумига фақат зўравонлик йўли билан эришиш мумкин. Қон тўкиш — чинакам мусулмон давлатини барпо этишнинг ягона йўли.

Ислом ақидапарастлиги Марказий Осиё минтақасига Ливия, Ироқ, Саудия Арабистонидан кириб келган. Унинг ғоялари Тожикистон вакиллари қатнашиб, сўзга чиққан Ислом Конференцияси Ташкилотлари (ИКТ) сессияси ишидан сўнг Тожикистонда ҳамда Ўзбекистоннинг Фарғона водийси бир қатор районларида анча кенг тарқала бошлади. Ўшанда улар коммунистик ҳокимиятга қарши курашаётган биродарлар сифатида ИКТ раҳбарларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги ваъдаларини олишганди.

Ақидапарастликнинг жиддий таъсири Ўрта Осиё минтақасидан зиёратчилар Маккага ҳаж сафарига мунтазам бора бошлаган 1989 йилдан айниқса кучли сезила бошлади. Тожикистон руҳонийларига катта қўламдаги ёрдамлар берила бошлаши ҳам шу даврга тўғри келади. Шуни айтиш керакки, бу ёрдам нафақат мукаддас китоблару оргтехникадан, балки ўн миллионлаб долларлардан иборат эди. Уларнинг нималарга сарфлангани бугунги кунда яхши маълум. Бир қисми-масжидлар қурилишига, асосий қисми эса — Афғонистон ва Покистондан қурол-яроқ сотиб олишга, мутаассис-йўриқчилар маошига сарфланган.

Шариатнинг етакчи муфассири бу борада ўзини ҳам унутмаган кўринади. Мавжуд маълумотларга қараганда, чет элда унинг ҳисобига катта миқдорда пул тўпланган. Бу «дин хомийси»нинг

46.

ва МХҚБ раҳбарларини, вилоят ҳарбий комиссарини (фамилияма-фамилия) тайинлаш, махфийликка қатъий амал қилиш кабилар битилганди.

Ислом ақидапарастларининг таянчи ҳисобланган Қ. Аслонов шу ерда жойлашган Россиянинг 201-мотоўқчи дивизияси қисмларини бутун ҳарбий техникаси билан мухолифчлар қўлига топширишга эришиш лозим эди. Кундаликда полкка раҳбарлик қилиши мумкин бўлган кишиларнинг исми шарифи, полк штаби, тиббий хизмат, тарғибот бўлимлари кўрсатилганди. Ҳужжат русча тўлдирилганди, собиқ Совет Армияси қўшинларининг штатдаги лавозимлари эса асос қилиб олинганди.

Биринчи галда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар қаторида қуйидагилар ҳам саналганди: дарҳол телеминорани ишғол этиш, Душанбе билан алоқани тиклаш, бронетехникани, гранатомётлар ва пулемётларни тақсимлаш, жойларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва ун етказиб бериш.

Вилоят хўжаликлари бўйича аниқ тузиб чиқилган график ҳам кўзда тутилганди. Унда қайси колхоз, совхозларда ақидапарастларнинг қанча бронетранспортери, автомати, пулемёти, гранатомёти, милтиқ, граната ва патрони борлиги кўрсатилганди. Энг муҳим йўналишлар бўйича жангарилар ва улар командирларининг миқдори кўрсатилган постлар аниқ белгилаб қўйилганди. Масалан, «Қизилқалъа» кўприги мудофааси ўттиз кишилик М. Ербаков отрядига топширилганди. Уларга ўнта «Калашников» автомати, иккита пулемёт, иккита гранамёт, қўл граналари тўғри келганди. Зарур бўлиб қолса, бу ёққа зудлик билан танк, бронетранспортерлар ёки пиёда аскарларнинг жанговар машинасини юбориш мумкин эди.

Қўрғонтепа вилояти ижроия қўмитасининг собиқ раиси махфийликка алоҳида аҳамият берганди. Ишлаб чиқилган код рўйхатидан келтирилган қуйидаги парча қизиқиш уйғотиши табиий:

— Пиёз — Акаи Раҳимжон;
— Картошка — Баҳриддин;
— Шолғом — мулло Шоҳмарасул;
— Чойи кабуд — автомат;
— Чойи до — қўл пулемёти;
— Чойи ҳинди — бронетранспортёрдаги тўп;
— Фатир — гранатомёт;
— Гўспанд — бронетранспортёр;
— Қушкор — пиёда аскарларнинг жанговар машинаси;
— Буқа — танк;
— Модагов — БРДМ;
— Шафтолу — пулемёт;

48.

• Иқтисодиёт янгиликлари

АМАРАНТ — ТЎЙИМЛИ ОЗУҚА

Амарант — тўйимли озуқа. Молларни тез семиртиради. Бедага нисбатан бир ярим баравар кўп ҳосил беради. Тез ўсади, йил давомида 3—4 марта ўрилади, гектаридан 1000 центнердан кўк поя олиш мумкин.

Унинг асли ватани — Америка, Мексика. Жаҳон олимлари Амарант ўсимлигига катта умид боғлаб, уни кўпайтириш орзусида. Бу ўсимлик Андижон вилоятида ҳам пайдо бўлди. Тошкент Давлат дориффунуни ўсимликлар физиологияси кафедрасининг ходими Каримжон Сафаров Марҳамат районидаги «Андижон 50 йиллиги» ширкатлар уюшмасида амарант ўсимлигини синаш бўйича шартнома тузди.

Тажрибали деҳқон Тўракелди Бўронов бригадасида 5 гектар майдонга амарант ўсимлиги экилди. Бригада миришкорлари шу йилнинг ўзида ҳар гектар ердан 1,5 центнердан амарант уруғи олишга аҳд қилдилар. Шу хўжаликнинг Нишонбой Отахонов бошлиқ бригадасида эса 30 гектар тўйимлилиги жиҳатидан анча устунликка эга бўлган «Қизил беда» экилди.

Парвариш технологиясига изчил амал қилаётган бригада деҳқонлари ўтган йили бу экиннинг ҳар гектаридан ҳўл ҳолида 660, қуруқ ҳолида эса 220 центнердан пичан олган эдилар. Бу йил ҳам шу маррани кўзлаб туришибди...

А. ҚУРОНБОЕВ.

БЎЛАР ЭКАН-КУ...

Умумий овқатланиш корхоналари ва озиқ-овқат дўконларидаги музхоналарнинг аксарият пайтда ишламаслигига кўникиб қолганмиз. Сабаби аниқ — компрессори ишдан чиққан.

Шу пайтгача ўзимизда ана шу компрессорларни созловчи корхона йўқ экан. Шунинг учун вилоят матлубот жамияти раҳбарлари бу ишнинг охирига етишди. Самарқандда музлатгичлар компрессорларини созлаш комбинати очилди.

Бор-йўғи тўрт киши мавжуд уч мингта музлатгичга хизмат кўрсатади. Комбинат ходимлари келгусида «Сино» ва бошқа музлатгичлар компрессорларини созлашни ҳам йўлга қўйишмоқчи.

Фармон ТОШЕВ.

• Спорт

ЧЕМПИОНЛАР УЧРАШУВИ

Жиззахлик мухлислар мароқли футбол учрашувининг шоҳиди бўлишди. Бу ерда Ўзбекистоннинг кўш чемпионлари — «Пахтакор» ва «Нефтчи» жамоалари ўртасида суперфинал учрашуви ўтказилди.

Осиё чемпионлари кубоги учун курашда иштирок этадиган жамоани аниқлаш учун ўтказилган бу ўйин муросасиз баҳсга айланди. Ҳар иккала жамоа ҳам кучли таркибда майдонга тушди. Ўйин бошидан фарғоналиклар ҳисобни очишга астойдил интилдилар. Аммо тошкентлик футболчилар 22-минутда ҳисобни очишди. Миржалол Қосимов оширган тўпни Шуҳрат Мақсудов дарвозага аниқ йўллади. Шундан кейин фарғоналик футболчиларнинг бироз асабийлашгани кўзга ташланди. Чунончи, қўполликка йўл қўйган Рустам Дўрмонов учрашув ҳаками Н. Лутфунин билан баҳслашиб, майдонни тарк этишга мажбур бўлди. Нефтчилар ўн киши бўлиб ўйинни давом эттирдилар. Миржалол Қосимов эса чамаси 30 метрли нуктага кўйилган жарима тўпини зарб билан дарвозага уриб, ҳисобни 2:0га етказди.

Танаффусдан кейин фарғоналиклар ҳисобни тенглаштиришга, пахтакорчилар эса галабани мустаҳкамлашга харакат қилишди. Шу пайт пахтакорчилар дарвозабони Павел Бугало қоидани бузди. 11 метрли жарима тўпи белгиланди. 58-минутда Виктор Тихонов зарби билан умумий ҳисоб 2:1га ўзгарди. Пахтакорчилар яна ҳужумкорликка зўр беришди. 77-минутда Миржалол Қосимов бурчакдан оширган тўпни Шуҳрат Мақсудов ўрнига майдонга тушган Дмитрий Иногородский зарб билан дарвозага урди. Шундай қилиб, пахтакорчилар 3:1 ҳисобига ғалаба қозониб, Осиё чемпионлари кубоги учун баҳсларда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

ЯХШИ ДЎСТЛИК ТИМСОЛИ

Ўзбекистон "Иккиламчи рангли металлар" ишлаб чиқариш бирлашмаси ва унинг қошидаги "Ўзҳиндхандикрафт" қўшма корхонаси жамоалари Ўзбекистон ва Ҳиндистон Ҳукуматлари раҳбарларининг бўлажак учрашувига катта қизиқиш билан қарамоқда ва бу воқеани чин кўнгилдан қутлайдилар. Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Раонинг ташрифи икки мамлакат ўртасидаги яхши дўстлик алоқаларига муносиб хизмат этади, деган умид билдирадилар.

Ҳиндистон билан тузилган қўшма корхона ўтган йили сентябрь ойида республика молия вазирлигида расмий рўйхатдан ўтказилган. У асосан рангли металлар парчалари ва чиқиндиларидан халқистеъмоли молларини ишлаб чиқаришга бел боғлаган.

Тайёрлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг кўлами ранг-баранг. Улар чой ва қаҳва сервизларидан тортиб, ёритиш чироқлари (қандиллар, торшерлар, шамдонлар/гача барчаси қўлда ишланади ва ғарб истеъмолчиларининг юқори баҳосига сазовор бўлган.

Қўшма корхона шартномага кўра маҳсулотининг 30 фойизини ташқи бозорга валютага сотади. Бу маҳсулот тайёрлаш ҳажмини кенгайтириш ва ички бозорни истеъмол моллари билан тўкин этишга хизмат қилади. Корхонамиз маҳсулотига Ҳамдўстлик мамлакатларида ва чет элларда талаб ғоятда катта.

Шу йилнинг апрель ойида Ҳиндистондан Ўзбекистонга ускуналар олинди ва ҳинд мутахассислари ҳам етиб келишди. Ҳозирда қурилиш-монтаж ишлари билан бирга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳам бошлаб юборилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги туфайли чет эл мамлакатлар билан ҳамкорлик истиқболлари кенг очилди. Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик алоқалари ривожи бунга мисол бўлаолади.

ЎЗБЕКИСТОН "ИККИЛАМЧИ РАНГЛИ МЕТАЛЛАР" ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ,

"ЎЗҲИНДХАНДИКРАФТ" ҚЎШМА КОРХОНАСИ.

ДИҚҚАТ!

«Маратони» авиация компаниясининг кичик корхонаси шу йилнинг 28 майидан бошлаб «Чимкент — Батуми — Чимкент» йўналиши бўйича тижорат рейси очилишини маълум қилади.

Батумигача ва у ердан қайтиш учун йўлкира баҳоси 200.000 сўм.

Самолётларнинг учиш тартиби: 28 май, 4 июнь, 11 июнь, 18 июнь ва ҳоказо.

Фирма АҚШ, Греция, Миср, Испания, Ҳиндистон, Италия, Таиланд, ГФР (Автомобиль сотиб олиш имконияти билан) давлатларига боришни истаган сайёҳатчиларга ёрдам ҳам кўрсатади.

Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, Бешёғоч кўчаси, 6-уй. (Почта биноси). Телефонлар: 68-40-36. (Соат 18.00 дан кейин). 54-07-19 (Соат 18.00 дан кейин).

«ГРАНИТ» КОНСТРУКТОРЛИК БЮРОСИ БУЮРТМАЛАРИНГИЗНИ БАЖАРАДИ

— нутқлар таржимаси, овоз кучайтириш, ЭҲМ тармоқлари учун ностандарт электрон система ва жиҳозларни ишлаш, тайёрлаш, монтаж ва созлаш;

— амалий программалаштиришни таъминлашни жорий этиш ва ишлаб чиқариш;

— NOVELL фирмаси шохобчалари маҳсулотларини ўрнатиш ва созлаш;

— рухсатсиз фойдаланишдан сақлайдиган EXE файл ҳимоя воситаларини сотади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, 107, Қирқ қиз кўчаси, 10, «Гранит» конструкторлик бюроси.

Акмал Икромов районидаги 592-болалар боғчасига берилган № 11, 31, 37, 44, 46, №54-59, 79, 81, 164, 166 рақамли ишончнома (доверенность)лар йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Мағриб» фирмасининг йўқолган думалоқ муҳри

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши сиёсий ижроқўми Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, фалсафа фанлари доктори, профессор

Ҳайдар ПЎЛАТОВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади ва ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И. М. Мўминов номли фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоаси фалсафа кафедраси мудири, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси, Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний мукофоти лауреати, фалсафа фанлари доктори, профессор

Ҳайдар Пўлатович ПУЛАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий-тадқиқот илмгоҳи жамоаси клиниканинг етакчи мутахассиси Жамолхон Нажмитдиновга отаси

Юсуфхон НАЖМИТДИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Мулоқот» журнали ижодий жамоаси ва таҳрир ҳайъати журнал таҳрир ҳайъати аъзоси, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, Беруний номидаги Республика давлат мукофоти соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фаол ва жонкуяр муаллиф

Ҳайдар Пўлатович ПУЛАТОВнинг

бевақт вафот этгани муносабати билан марҳум оиласига чуқур таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдиради, уларга сабр-тоқат тилайди. Улкан олим ва ажойиб дўст хотираси қалбимизда абадий яшайди.

Тошкент Автомобиль ва йўллар институти ректорати, касаба уюшмаси, фалсафа кафедрасининг собиқ мудири, фалсафа фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Беруний номидаги Республика давлат мукофотини соҳиби, профессор

Ҳайдар Пўлатович ПУЛАТОВнинг

бевақт вафот этганлиги сабабли марҳумнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари ва шогирдларига чуқур таъзия билдирадилар.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ 32-УЙ.

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

РЕДАКЦИЯЛАР:

Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14.
Ижтимоий ҳаёт — 33-21-43, 32-53-16.
Жиноятчиликка қарши кураш —33-76-04, 32-26-70.
Вилоят мухбирлари — 33-12-16, 32-57-20.
Хатлар, ахборот ва спорт — 33-12-56, 32-55-16.
«Осиё бозори» — 33-41-89, 32-55-70.
Котибият — 33-72-83, 32-53-06.
Эълон ва билдирувлар — 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35.
Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ:

Андижонда — 4-48-85;
Бухорода — 3-96-12;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-74-76.
Нукусда — 2-42-62;
Қаршида — 3-25-79;
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Термизда — 2-23-01.
Фарғонада — 6-37-16

Навбатчи муҳаррир: Ш. РЎЗИЕВ.

- Бирорта ҳам хат редакция эътиборидан четда қолмайди.
- Эълонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат берилади.
- Қўлёзмалар ҳажми чекланмайди.
- Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000120.

Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.

Ҳажми 2 босма табоқ, тиражи 166.770 нусха.

Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 20.00

Г—221. № 94.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй.

1 2 3 4 5 6.